



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 28 » апрель

№ ПФ–73

Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ягона ёндашув асосида тубдан такомиллаштириш, мазкур йўналишда олий таълим дастурларини халқаро тажриба асосида трансформация қилиш, шунингдек, таълим соҳасида узвийлик ва узлуксизликни ҳамда илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг:

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари учун **ягона ёндашув** асосида педагог кадрлар тайёрлашни амалга ошириш;

педагогик таълим соҳасининг таълим дастурларини **халқаро таълим дастурларига** мос равишда такомиллаштириш ҳамда дуал таълим шаклидан кенг фойдаланиш;

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети негизида **Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети** (кейинги ўринларда – Университет)ни ташкил этиш;

Университетни республикада педагог кадрлар тайёрлаш бўйича **етакчи олий таълим ташкилоти этиб белгилаш;**

республикада педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ягона ёндашув асосида янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида **мактабгача ва мактаб таълими вазирининг педагогик таълимни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ректори** лавозимини жорий этиш;

рўйхати **1-иловада** келтирилган педагогика олий таълим ташкилотларини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги педагог кадрлар тайёрлаш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ягона концептуал ёндашув асосида олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш сиёсатини юритиш;

педагогик таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

педагогик таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилишини таъминлаш;

педагогика соҳасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш;

педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – педагогика олий таълим ташкилотлари) бошқарув тизимини такомиллаштириб бориш.

3. Қуйидагилар:

Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури **2-иловага** мувофиқ;

Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг янгиланган таркиби **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Университетга халқаро таълим дастурлари жорий этилган йўналишлар учун уларнинг талабларидан келиб чиқиб, талабаларни қабул қилишда мустақил равишда қўшимча ва алоҳида имтиҳонлар (суҳбат, тест, иншо, кейс топшириқлари ва бошқалар) ташкил этишга рухсат этилади;

б) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич:

Университетнинг бошқарув тизими “Янги Ўзбекистон” университети тажрибаси асосида тўбдан такомиллаштирилади;

Университетнинг мавжуд **14 та** факультети мақбуллаштирилиб, юридик шахс бўлмаган **6 та** педагогика олий мактаблари ташкил этилади;

педагогика олий мактаби декан томонидан бошқарилади ва таълим сифатини таъминлаш, педагогика мактабини ривожлантириш, илмий фаолиятни бошқариш ҳамда ушбу йўналишларда халқаро алоқаларни амалга ошириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланади;

академик фаолият рақамлаштирилган бошқариш тизими (Learning management system) орқали йўлга қўйилади ҳамда “Олий таълим

жараёнларини бошқариш” (HEMIS) ахборот тизими билан интеграция қилинади;

Университетнинг бакалавриат таълим йўналишларига биринчи курсдан халқаро таълим дастурлари босқичма-босқич жорий этилади;

халқаро таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишларида халқаро тажрибалар асосида талабалар билимини баҳолашнинг янги тизими жорий этилади;

мустақил билим олишга ўргатишга йўналтирилган инновацион таълим технологиялари педагогик таълим амалиётига киритилади;

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда Университет ва педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишларида дарс бериш учун профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш тизими жорий этилади;

в) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

педагогика олий таълим ташкилотларида Университетга мос равишда бошқарув тизими такомиллаштирилади ва халқаро таълим дастурлари босқичма-босқич жорий этиб борилади;

Университет педагог кадрлар тайёрлаш бўйича етакчи олий таълим ташкилоти сифатида таълим дастурларини халқаро тажриба асосида трансформация қилиш жараёнларини мувофиқлаштиради;

Университет таркибидаги Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва ўларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолияти халқаро таълим дастурларини жорий этиш асосида такомиллаштирилади.

5. Олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

педагог кадрларни тайёрлаш фақат **кундүзги ва кечки таълим шакли** бўйича ташкил этилиб, **сиртқи таълим** шаклига қабул амалга оширилмайди;

бакалавриат таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари томонидан педагог кадрларни давлат буюртмасидан ташқари тайёрлаш педагог кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг таклифлари асосида амалга оширилади;

олий педагогик таълим йўналишида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳуросаси асосида амалга оширилади;

б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида талабаларнинг билимларини ташқи диагностика қилиш тизими жорий этилади. Бунда диагностика натижаларига кўра педагог кадрлар тайёрлаш сифати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашни чеклаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

педагог кадрлар тайёрлашга давлат буюртмаларини прогноз қилиш ва шакллантиришда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг маълумотлар алмашинувини автоматлаштириш ва бошқариш бўйича ягона дастурий комплекси (ERP) маълумотлари таҳлил қилинади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқилади.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова):

а) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда Университетнинг халқаро таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишларида дарс бериш учун профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш тизимини йўлга қўйсин;

танлаб олинган профессор-ўқитувчиларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий университетларга мақсадли малака оширишга юбориш тизимини жорий этсин;

б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **“Госпитал педагогика”** магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

в) умумий ўрта таълим мактабининг олий малака тоифасига эга ўқитувчилари учун педагогика соҳасида мақсадли магистратурани жорий этиш бўйича 2025 йил якунига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб республикадаги мавжуд педагогика техникумларининг ўқув жараёнига халқаро таълим дастурларини босқичма-босқич жорий қилсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ходимларига А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари инновацион педагогик таълим кластерларини ташкил этиш мақсадида педагогика олий таълим ташкилотларига яқин ҳудуддан камида биттадан мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларини қуриш учун қўшимча ер майдонларини ажратиш масаласини кўриб чиқсин ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишган ҳолда 2025 йил якунига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

педагогика олий таълим ташкилотларининг тўлов-контракт (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг мазкур маблағлар бўйича молия йили охирига қолдиқ (тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган маблағлар ҳам инобатга олинган ҳолда) қисмининг 4 фоизи миқдоридаги ажратмаларни Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти бекор қилинади;

мазкур маблағлар педагогика олий таълим ташкилотлари томонидан ушбу Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилади.

11. Ушбу Фармон ижроси билан боғлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан харажатларни молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида тасдиқланган бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда амалга оширилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон Фармонига
1-илова

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида ўтказиладиган педагогика
соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Олий таълим ташкилоти номи	Олий таълим ташкилоти жойлашган ҳудуд
1.	Ўзбекистон миллий педагогика университети	Тошкент шаҳри
2.	Нукус давлат педагогика институти	Қорақалпоғистон Республикаси
3.	Андижон давлат педагогика институти	Андижон вилояти
4.	Бухоро давлат педагогика институти	Бухоро вилояти
5.	Жиззах давлат педагогика университети	Жиззах вилояти
6.	Шаҳрисабз давлат педагогика институти	Қашқадарё вилояти
7.	Наманган давлат педагогика институти	Наманган вилояти
8.	Гўлистон давлат педагогика институти	Сирдарё вилояти
9.	Термиз давлат педагогика институти	Сурхондарё вилояти
10.	Чирчиқ давлат педагогика университети	Тошкент вилояти
11.	Урганч давлат педагогика институти	Хоразм вилояти
12.	Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиали – Каттақўрғон давлат педагогика институти сифатида	Самарқанд вилояти
13.	Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти – Самарқанд давлат педагогика институти сифатида	

Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича
чора-тадбирлар дастури

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
I. Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари учун ягона ёндашув асосида педагог кадрлар тайёрлашни амалга ошириш					
1.	Педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларини олий таълим ташкилотларини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказиш бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказиш.	1. Педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказиш бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш. 2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказилаётган таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари, товар-моддий бойликларини топшириш-қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштириш. 3. Педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларининг низоми ва ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. 4. Педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларининг гувоҳномаларини қайта расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.	2025 йил июль 2025 йил август 2025 йил сентябрь 2025 йил сентябрь	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)
2.	Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларида халқаро тажриба ўқув жараёнларини самарали бошқариш тизимини (LMS – Learning Management System) жорий этиш режа-жадвали ва йўриқномасини ишлаб чиқиш.	1. Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларида халқаро тажриба асосида ўқув жараёнларини самарали бошқариш тизимини (LMS – Learning Management System) жорий этиш режа-жадвали ва йўриқномасини ишлаб чиқиш.	2026 йил март	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	(LMS – Learning Management System) жорий этиш.	2. Режа-жадвал асосида тизимни жорий этиш ва "Олий таълим жараёнларини бошқариш" (HEMIS) ахборот тизими билан интеграция қилиш.	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб		
3.	Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг раҳбар ходимлари фаолиятини йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.	1. Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш. 2. Республика педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг раҳбар ходимлари фаолиятини самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш.	2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
4.	"Госпитал педагогика" магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этиш.	1. Ўзбекистон миллий педагогика университетида "Госпитал педагогика" магистратура мутахассислигида кадрлар тайёрлаш бўйича таклиф киритиш. 2. "Госпитал педагогика" магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Ўзбекистон миллий педагогика университетида "Госпитал педагогика" магистратура мутахассислигига талабаларни қабул қилиш.	2025 йил ноябрь 2026 йил апрель 2026 йил август	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
5.	Умумий ўрта таълим мактабларининг олий малака тоифасига эга ўқитувчилари учун педагогика соҳасида мақсадли магистратура жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Умумий ўрта таълим мактабларининг олий малака тоифасига эга ўқитувчилари учун педагогика соҳасида мақсадли магистратура жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. Бунда:	2025 йил декабрь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		Университетда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида мақсадли магистратура ташкил этиш; олий малака тоифасига эга ўқитувчиларнинг ишдан ажралмаган ҳолда билим олишлари учун таълим жараёнини масофавий таълим шаклида ташкил этиш; магистратурага фақат халқаро ташкилот томонидан аккредитациядан ўтказилган тизимда олий малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларни қабул қилиш; магистратурада масофадан ўқиш ва давлат намунасидаги диплом бериш тартиби, тўлов-контракт миқдорини белгилаш ҳамда талабалар билиминини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни назарда тутиш.			
6.	Ўзбекистон миллий педагогика университетида 10 та штат бирлигидан иборат трансформация департаменти фаолиятини ташкил этиш.	1. Трансформация департаментининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: Департамент ходимларининг вазифа ва мажбуриятларини белгилаш. Департамент раҳбарининг лавозим маошини олий таълим муассасаси декани, бош мутахассис лавозим маошини олий таълим муассасаси доценти, етакчи мутахассис лавозим маошини олий таълим муассасаси катта ўқитувчиси лавозим маошига тенглаштиришни назарда тутиш. 2. Трансформация департаментининг штатлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Трансформация департаментига юқори малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш.	2025 йил 1 сентябрь	Ўзбекистон миллий педагогика университетининг бюджетдан ташқари маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
II. Педагогика таълим соҳасининг таълим дастурларини халқаро таълим дастурларига мос равишда такомиллаштириш					
7.	Педагогика таълим йўналишлари ва мутахассисликлари сонини мақбуллаштириш.	1. Педагогика соҳасида кадрлар тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини таҳлил қилиш. 2. Жаҳон тенденцияларига мувофиқ янги талаб қилинаётган йўналишлар, меҳнат бозори конъюнктураси ҳамда таълим соҳаси талабларини таҳлил қилган ҳолда мақбуллаштирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатини ишлаб чиқиш. 3. Мақбуллаштирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқишнинг режа графиги ва тармоқ ишчи гуруҳлари таркибини тасдиқлаш.	2025 йил октябрь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазири (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазири (К. Шарипов)
8.	Халқаро таълим дастурлари жорий этиладиган йўналишлари учун ўқув-методик таъминотни босқимча-босқич яратиш.	1. Таълим йўналишлари учун халқаро таълим дастурлари, ўқув-методик мажмуаларни танлаш. 2. Таълим дастурлари, ўқув-методик мажмуаларни таржима қилиш бўйича малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳни тузиш. 3. Ишчи гуруҳ томонидан халқаро таълим дастурлари, ўқув-методик мажмуаларни ўзбек тилига таржима қилиш.	2025–2028 йиллар давомида	Ўзбекистон миллий педагогика университетининг бюджетдан ташқари маблаглари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазири (Х. Умарова)
9.	Педагогика олий таълим ташкилотларида таълим беришнинг замонавий усуллари қўллаш имкониятларини яратиш.	1. Педагогика олий таълим ташкилотларида таълим беришнинг замонавий усуллари асосида видеоонтентларни ишлаб чиқиш учун замонавий медиамарказлар ташкил этиш. 2. Фанлар бўйича виртуал лабораториялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. 3. Инклюзив таълим ва госпитал педагогика бўйича электрон таълим ресурсларини яратиш.	2027 йил 1 сентябрь	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазири (Х.Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
10.	Педагог кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.	4. Ҳар бир педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотларида 2 тадан STEAM йўналишлари лабораторияларини ташкил этиш чораларини кўриш. 1. Педагог кадрларни тайёрлашга қўйилган малака талабларини такомиллаштириш. 2. Педагог кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш. 3. Давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида талабаларнинг билимларини ташқи диагностика қилиш тизимини жорий этиш. 4. Ташқи диагностика Мамлакатдаги таълим вазирилик томонидан амалга ошириш.	2026 йил январь 2026 йил апрель 2026 йил май 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	–	Мамабад ва мамлакат таълими вазирилик (Х.Умарова)
11.	Педагогика олий таълим ташкилотларида мамлакат таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишлари битирувчиларини касбий сертификатлаш тизимини жорий этиш.	Педагог кадрларни тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларида мамлакат таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини касбий сертификатция тартибиде ташкил этиш ва баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда: битирувчиларга якуний давлат аттестацияси билан бирга касбий сертификатциянинг назорат синовларини топириш имкониятини яратиш; якуний давлат аттестациясида ижобий баҳоланган ва касбий сертификатлаш синовларидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакат таълими вазирилик томонидан битирувчи касбий сертификат беришни назарда тутиш.	2026 йил август	–	Мамабад ва мамлакат таълими вазирилик (Х.Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
III. Педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни мактабгача ва мактаб таълими дастурлари мазмуни билан ўзвийлиги ва ўзлуксизлигини таъминлаш					
12.	Педагог кадрлар тайёрлашда дуал таълим шаклидан кенг фойдаланиш ҳамда ҳафталик ўқув машғулотларини тартибда ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш.	Педагог кадрлар тайёрлаш таълими жараёнларини дуал таълим шаклида ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда: “4+2” тартибида педагогик амалиётни “бир ўстозга бир талаба” тамойили асосида ташкил этиш; таълим дастурларида “4+2” тартибида педагогик амалиёт 3-4 босқич талабаларига жорий этилишини назарда tutиш.	2025 йил сентябрь	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
13.	Мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим ташкилотларида фойдаланиладиган дарслик мажмуалари ҳамда методик қўлланмаларни педагогика олий таълим ташкилотлари, А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий педагогик маҳорат дарслик институтини жорий этиш.	1. Дарслик мажмуалари ҳамда методик қўлланмаларни педагогика олий таълим ташкилотлари, А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий педагогик маҳорат дарслик институтини жорий этиш. Бунда етказиб беришни Давлат бюджетидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатларга ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширишни назарда tutиш. 2. Дарслик мажмуалари ҳамда методик қўлланмалар сонининг талабалар ва тингловчилар сонига нисбатини белгилаш.	2025 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
		3. Дарслик мажмуалари ҳамда методик қўлланмаларни етказиб бериш.	2026 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида		

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
14.	Мақтабгача таълим халқаро мазмунини талабларга мувофиқлаштириш ҳамда замонавий методик ёндашувларни жорий этиш.	"Marshall Cavendish Education" ташкилоти билан ҳамкорликда мақтабгача таълим тарбияланувчилари учун математика ва STEAM йўналишлари бўйича халқаро талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган дастурларни жорий этиш.	2025–2026 йиллар	Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазири (Х.Умарова)
15.	Олий педагогик таълим мазмунини халқаро талабларга мувофиқлаштириш ҳамда замонавий методик ёндашувларни жорий этиш.	Буюк Британиянинг "Cambridge University Press and Assessment" ташкилоти билан ҳамкорликда педагогика олий таълим ташкилотлари учун халқаро талабларга мувофиқ таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2025–2030 йиллар	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазири (Х.Умарова)
IV. Педагог кадрлар тайёрлаш соҳасига халқаро тажриба, юқори малака ва илмий салоҳиятга эга мутахассис кадрларни жалб қилиш					
16.	Педагогика олий таълим ташкилотларида хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда Университетнинг халқаро таълим дастурлари жорий этилган йўналишларида дарс бериш учун профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш тизимини йўлга қўйиш.	1. Педагогика олий таълим ташкилотларида халқаро таълим дастурлари жорий этиладиган таълим йўналишларида дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Тартиб асосида bosqichma-bosqich профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилишни жорий этиш.	2025 йил август 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб	–	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазири (Х.Умарова)
17.	Халқаро таълим дастурлари жорий этиладиган йўналишлари учун профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш тизимини йўлга қўйиш.	1. Педагогика олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларининг хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш ва стажировкадан ўтиш ҳолатини таҳлил қилиш. 2. Педагогика олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларининг хорижий олий таълим ва	2025 йил сентябрь 2025 йил октябрь	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазири (Х.Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий университетларга мақсадли малака оширишга юбориш тизимини жорий этиш.	илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш ва стажировкадан ўтиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 3. Педагогика олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларини хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш ва стажировкага юбориш.	Режа-жадвал асосида		
18.	Ўзбекистон миллий педагогика университети таркибидаги Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолиятини педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолиятини такомиллаштириш.	1. Ўзбекистон миллий педагогика университети қошидаги Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолиятини халқаро таълим дастурлари асосида такомиллаштириш. Бунда: Халқаро таълим дастурларига ўқитиш маҳорат марказида педагогика олий таълим ташкилотлари барча профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни йўлга қўйиш; малака ошириш таълим дастурларини халқаро таъриба асосида такомиллаштириш. 2. Педагогика олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш истиқбол режасини ишлаб чиқиш.	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазири (Х.Умарова)
19.	Хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни таълим жараёнига жалб этиш.	1. Худудлардаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда фаолият юритаётган хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ва уларни педагогика олий таълим ташкилотларининг таълим жараёнига жалб этиш чораларини кўриш. 2. Илгор хорижий олий таълим ташкилотларининг малакали мутахассисларини педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишларининг таълим жараёнига жалб этиш чораларини кўриш.	2025 йил августдан бошлаб 2025 йил сентябрдан бошлаб	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазири (Х.Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
20.	Педагогика таълим йўналишлари битирувчиларини олий таълим муассасаларига магистратура ва докторантурага юбориш орқали соҳа ходимлари салоҳиятини ошириб бориш.	Педагогика таълим йўналишлари битирувчиларини "Эл-юрт умиди" жамғармасининг таълим дастурлари бўйича танлов асосида хорижий олий таълим муассасаларига магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш тизимини йўлга қўйиш. Бунда педагогика олий таълим ташкилотлари талабалари учун магистратура ва докторантурага танловларда иштирок этиш қўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқувлар ва семинарлар ташкил этишни назарда тутиш.	2026 йил сентябрдан бошлаб	–	"Эл-юрт умиди" жамғармаси (А.Бекмуродов)
V. Педагогика соҳасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни мактабга ва мактаб таълими ташкилотларида таълим-тарбия жараёнларининг натижадорлигини таъминлаш муаммоларига қаратиш					
